



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 2 май, № 87 (9258)

Шанба

Сайтимига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда аҳолига малакали ва замонавий тиббий хизмат кўрсатиш, соҳада бошқарув самардорлигини ошириш, хусусий сектор имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш ҳамда худудларда тиббиёт инфратузилмасини янги босқичга олиб чиқиш бўйича изчил ишлар олиб борилаётган.

Тақдимотда, аввало, хусусий секторнинг соҳа ривожидagi ўрни ва бу борадаги мавжуд имкониятлари кўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, 2016 йилда юртимизда 3,2 мингта хусусий клиника фаолият юритган бўлса, 2026 йилда уларнинг сони 8,7 мингтага етиши кутилмоқда. Хусусий тиббиёт йўналишлари 39 тадан 116 тага, ушбу сектордаги койка ўринлари эса 16 мингдан 57 мингтага кўпайди. Хусусий секторнинг умумий койка фондидаги улуши 12 фоиздан 31 фоизгача ошиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, тизимдаги айрим муаммолар ҳам кўрсатиб ўтилди. Жумладан, тиббий хизматлар сифати устидан амалдаги назорат механизмлари етарли даражада самара бермаётгани, лицензиялаш шартлари замона талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, хусусий клиникалар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг ягона электрон тизимда шаклланимагани, шунингдек, инвестиция лойиҳалари билан манзилли ишлаш тизими етарли эмаслиги қайд этилди.

Шу боис, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш ва унинг масъулиятини оширишга қаратилган янги ёндашувлар тақдим қилинди.

Хусусан, тиббий фаолиятни лицензиялаш билан боғлиқ барча вазифалар Тиббиёт ташкилотларини лицензиялаш ва аккредитациялаш марказига ўтказилиб, 2026 йил 1 июлдан лицензиялаш тартибларини кучайтириш, бемор хавфсизлиги ва тиббий ёрдам сифатини таъминлашга доир 48 турдаги лицензия талабларининг 14 тасини қайта кўриб чиқиш тақлиф қилинди. Мазкур ёрдамда кўп тармоқли клиникалар фаолиятини тўлиқ тўхта-тиш амалиётидан воз кечиб, фақат аниқ қоидабузарлик аниқланган йўналиш бўйича чеклов қўллаш тартиби назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, тиббиёт ташкилотларининг лицензия талаб ва шартларига риоя қилиниши бўйича сифат назорати кучайтирилиб, электрон ахборот тизимида масофавий баҳолаб бориш орқали назорат қилиш йўлга қўйилди.

Қолаверса, нодавлат тиббиёт ташкилотларига лицензия доирасидаги барча йўналишларда бюджет маблағлари ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатишга рўхсат бериш, аккредитациядан ўтган хусусий муассасаларга трансплантация фаолияти билан шуғулланиш имконини тақдим этиш, 2028 йилдан бошлаб

аккредитациядан ўтмаган нодавлат ва республика даражасидаги давлат тиббиёт муассасалари билан Суғурта жамғармаси томонидан тиббий хизматларнинг харидини амалга оширмаслик тақлиф этилди.

2030 йил якунига қадар барча давлат тиббиёт муассасалари босқичма-босқич, хусусан, 2027 йил 1 апрелгача 55 та республика, 2028 йил якунига қадар 413 та худудий ҳамда 2030 йил якунигача 3 мингдан ортиқ туман (шаҳар) давлат тиббиёт ташкилотлари фаолияти мажбурий лицензияланади.

Хусусий тиббиётни рағбатлантириш учун иқтисодий қўллаб-қувватлаш чоралари ҳам муҳокама қилинди.

Жумладан, олис худудларда янги клиникалар очилу учун 200 миллион АҚШ долларлик имтиёзли кредит ресурси ажратилиши, ҳар бир лойиҳа учун 10 йилгача муддатга 10 миллион АҚШ долларидан кредит бериш, асосий ставканинг 50 фоиз қисми учун компенсация механизминини қўллаш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, хорижий мутахассисларга ижтимоий солиқни 1 фоиз этиб белгилаш, тиббий ускуна ва бутловчи қисмлар бўйича божхона имтиёзлари бериш каби енгилликлар тақлиф этилди.

Тақдимотда соҳага инвестицияларни жалб қилишнинг янги тизими ҳам кўриб чиқилди.

Бунинг учун Тиббиёт ва фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигини ташкил этиш, инвесторларга консалтинг ва амалий хизматларни “ягона дарча” тамойили асосида кўрсатиш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини профессионал асосда шакллантириш ва илгари суриш механизмни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, агентликка соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш, инвестиция ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига қўмаклашиш, давлат тиббиёт ташкилотларини бошқарувга бериш ваколати берилади ҳамда агентлик таъсисчилигида инвестиция лойиҳаларини шакллантириш, келишиш ва амалга оширишда қўмаклашувчи акциядорлик жамияти шаклидаги “Health Invest” компанияси ташкил этилади.

Хорижий экспертлар билан биргаликда давлат тиббиёт муассасаларини корпоратив бошқарув тамойиллари асосида трансформация қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш тақлиф этилди. Шунингдек, хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда тиббиёт ташкилотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва ишга туширишга оид шаҳарсозлик ҳамда санитария қоида ва меъёрлари қайта кўриб чиқилиб, халқаро талабларга мослаштирилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари тақлифларни маъқуллаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА РАҚАМЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев сунъий интеллект ва рақамлаштириш йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда рақамлаштириш ва сунъий интеллектни жорий қилиш орқали иқтисодий ўсишни жадаллаштириш ҳамда инсонлар ҳаётини енгиллаштиришга қаратилган тизимли ишлар олиб борилаётган.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясига мувофиқ, АТ хизматлари ва дастурий маҳсулотлар экспорти 5 миллиард долларга етказиш, соҳада 300 минг нафар ёшларни банд қилиш ҳамда БМТнинг Электрон ҳукумат индексида юртимизни дунёнинг етакчи 30 давлати қаторига киритиш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Сўнги йилларда рақамлаштириш соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири сезиларли даражада ошган. Охириги беш йилда соҳадаги ялпи қўшилган қиймат ўртача 24,8 фоизга ўсиб, мазкур кўрсаткич ЯИМ ўсиш суръатларидан 3,5 баробар юқори бўлган. Ахборот ва алоқа тармоғида банд бўлганлар сони 2017 йилдаги 64,3 минг нафардан 108,8 минг нафарга, ўзини ўзи банд қилганлар сони эса 10 мингдан 181 минг нафарга етган. Ҳозирги кунда соҳада 11 минг 900 дан зиёд корхона фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг қарийб 1,4 мингтаси хорижий капитал иштирокида ташкил этилган.

Шу билан бирга, ҳозирда сунъий интеллект йўналишида 100 га яқин амалий лойиҳа ва 200 дан ортиқ тажриба-синов ташаббуслари бошланган. Жумладан, Олмалик кон-металлургия комбинатининг 3-мис бойитиш фабрикасида сунъий интеллект ёрдамида ишлаб чиқариш закирларини реал вақт режимида таҳлил қилиш йўлга қўйилгани натижасида энергия сарфи 10 фоизга, таннарх 15 фоизга қисқарган, меҳнат унумдорлиги эса 10 фоизга ошган.

Бундай лойиҳалар самарадорлигини таъминлаш учун 24 миллион долларлик GPU-кластерга эга сунъий интеллект инфратузилмаси бошланган. Йил якунигача қўшимча ҳисоблаш қувватларини кенгайтириш учун яна 45 миллион долларлик ускуналарни жалб қилиш режалаштирилган. Таъкидланганидек, энди бу инфратузилмадан тўғри ва самарали фойдаланиш, уни тармоқлар кесимида аниқ натижа берадиган ечимлар билан боғлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда тиббиёт, энергетика, транспорт, божхона, солиқ, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда оид 130 дан зиёд маълумотлар базасини тизимлаштириш, улар билан ишлаш муҳитини шакллантириш ҳамда сунъий интеллект моделларини жорий қилиш режалари кўриб чиқилди. Бу орқали давлат хизматларида фойдаланувчиларга тақдим этиладиган сервисларни кенгайтириш, давлат бошқаруви жараёнларида таҳлил ва қарор қабул қилиш сифатини ошириш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида харажатларни камайтириш ва самарадорлигини юксалтириш кўзда тутилмоқда.

Тақдимотда сунъий интеллект технологияларини қўллашнинг соҳавий йўналишларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Хусусан, соғлиқни сақлашда инсульт ва кўкрак бези саратонини эрта аниқлаш, тиббий қўриқ жа-

раёнларини автоматик баёнлаштириш, рақамли тиббий ёрдамчи дастурларни жорий этиш; қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини прогноз қилиш, фитосанитар хавфлар бўйича фермерларнинг хабардорлигини таъминлаш, яйловларнинг ҳолати мониторингини уюштириш; транспорт соҳасида йўл қопламалари ва темир йўл инфратузилмаси мониторингини ўтказиш, ҳайдовчинини хавфли вазиятлардан огоҳлантириш, «ақли» транспорт тизимларини ривожлантириш; қурилиш ва санаятда эса қонунбузарликларни аниқлаш, сметта ҳужжатларини кўриб чиқиш муддатини қисқартириш, видеотаҳлил орқали ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш каби лойиҳаларни кенгайтириш назарда тутилган.

Инфратузилмани ривожлантириш билан бирга маҳаллий стартапларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли, айниқса, ёшларнинг рақамли кўникмаларини шакллантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Бугунги кунда мамлакатимизда стартаплар сони 950 тага етган, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 37,5 фоизлик ўсишни аниқлатади. Венчур фондларнинг сони 22 тага етиб, экотизим қиймати эса 4,3 миллиард доллар деб баҳоланмоқда. Стартапларга киритилган инвестициялар ҳажми 132 миллион долларни ташкил этгани таъкидланди.

Жорий йилдан бошлаб стартаплар бўйича Президент танловининг муқофот жамғармаси АТ йўналишида 5 миллион долларга оширилгани, сунъий интеллект йўналишида эса 1 миллион долларлик янги танловлар жорий этилгани маълум қилинди. Шунингдек, “President AI Award”ни давлат бошқаруви, санаят ва тадбиркорлик, соғлиқни сақлаш, таълим, “яшил иқтисодиёт” ва агротехнологиялар каби 5 йўналишда ташкил этиш тақлифи билдирилди.

2030 йилгача ахборот технологиялари соҳасида 300 минг ёшнинг бандлигини таъминлашга қаратилган чоралар ҳам кўриб чиқилди. Бунинг учун худудларда рақамли экотизимни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, экспортбop хизматлар қўламини ошириш ва стартапларнинг ўсиш нукталарини қўлайитириш зарурлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан Самарқанд, Наманган, Сирдарё ва Бухорода IT-Паркнинг янги филиаллари, Нурафшон шаҳрида эса рақамли R&D марказини ташкил этиш бўйича режалар ҳақида ахборот берилди. Нурафшон шаҳрида 7,3 гектар майдонда ташкил этиладиган мазкур марказ доирасида 6 та юқори технологияли лаборатория, сунъий интеллект учун 200 та GPUли ҳисоблаш маркази, стартап кампуси ва тижоратлаштириш марказини барпо этиш кўзда тутилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 200 миллион долларни ташкил этиб, уни 2027-2031 йилларда амалга ошириш режалаштирилган.

Тақдимотда рақамли таълимни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

“5 миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси доирасида 1 миллиондан ортиқ бошланғич курс тингловчилари, 300 мингдан зиёд ўрта босқ-

ич тингловчилари ва 1,5 минг профессионал даражадаги мутахассис тайёрлангани айтилди. Энди мактабларда сунъий интеллект ва стартап хоналарини ташкил этиш тақлиф қилинди.

Шу билан бирга, мактабларда рақамли инфратузилма ҳолати таҳлил қилинди. Ҳозирда 69 фоиз мактабларда Wi-Fi зонаси умуман мавжуд эмаслиги, 5 мингта компьютер синфи маъна эскиргани, 2 мингта мактабда эса бундай хоналар йўқлиги қайд этилди. Шу боис, 2030 йилгача 16 мингта компьютер синфхоналарини янгилаш, мактабларни бепул Wi-Fi нукталари билан таъминлаш ва интернет тезлигини ошириш бўйича янги чоралар кўриш зарурлиги таъкидланди.

Йилгида маҳаллий АТ ечимларидан фойдаланишни кенгайтиришга ҳам алоҳида ургу берилди. Давлат иштирокидаги корхоналар ва банклардаги дастурий маҳсулот ва ахборот технологиялари хизматларининг қамда 45 фоизини маҳаллийлаштириш имконияти мавжудлиги қайд этилди. Шу муносабат билан давлат корхоналари ва банклар томонидан АТ хизматлар импорт қилинишида мажбурий тартибда Санаят кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги билан келишиш тизимини жорий қилиш, бюртмаларни IT-Park резидентларига йўналтириш тақлиф этилди.

Телекоммуникация инфратузилмаси ва тартибга солиш соҳасидаги ишларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Кейинги йилларда аҳоли масканларининг телекоммуникация хизматлари билан қамрови 41 фоиздан 98 фоизга етган, умумий интернет ўтказиш қобилияти эса 65 баробар ошиб, 4,4 минг гигабит/секундга чиққан. Телерадиокоммуникация бозорини тартибга солиш, хизматлар сифатини мониторинг қилиш ва фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида алоҳида агентлик ташкил қилингани қайд этилди.

Тақдимотда телекоммуникация бозорини ҳар йили қамда 10 фоизга ошириб, жорий йилда 27,5 триллион сўмга етказиш режалари кўриб чиқилди.

Киберхавфсизлиқни таъминлаш, давлат ахборот тизимларини интеграция қилиш ва рақамли ҳукумат платформасини мустаҳкамлаш масалалари ҳам муҳокама этилди. Давлат ахборот тизимларини фақат ягона рақамли ҳукумат платформаси орқали интеграция қилиш, киберхавфсизлик экспертизасидан ўтмаган тизимларни рақамли ҳукуматга улашни чеклаш, шунингдек, ахборот хавфсизлигини кучайтириш мақсадида ҳар икки йилда бир марта тўлиқ IT-аудит ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари сунъий интеллект ва рақамлаштириш бугунги кунда фақат технология янгиланиш эмас, балки иқтисодиёт самарадорлиги, давлат бошқаруви сифати, хизматлар қўлайлиги, экспорт салоҳияти ва мамлакат рақобатбардорлигини белгилайдиган стратегик йўналиш эканини таъкидлади. Соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Ў.А.

Дунё нигоҳи

ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Чехия матбуоти икки давлат раҳбарларининг Тошкентдаги музокаралари ҳақида

Чехиянинг етакчи оммавий ахборот воситалари саҳифаларида Чехия Бош вазири Андрей Бабишининг Озарбайжон ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйлаб гастроль сафарининг якуний босқичи бўлган Ўзбекистонга расмий ташрифи кенг ёритилмоқда.

Чехия матбуотида таъкидланишича, ташриф аниқ иқтисодий хусусиятга эга бўлиб, Чехиянинг минтақадаги мақодини мустаҳкамлашга қаратилган.

“IDNES.cz” интернет-ресурсида ёзилишича, ташрифнинг асосий воқеаси Тошкентда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан ўтказилган музокаралар бўлиб, унда икки томонлама ҳамкорликни кучайтириш истиқболлари муҳокама қилинди. Учрашувлар якунида томонларнинг савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга интилишини тасдиқловчи қатор битимлар имзоланди.

Чехия оммавий ахборот воситалари ташрифнинг ишбилармонлик жиҳатига алоҳида эътибор қаратмоқда. “Ceský poviny”даги хабарга кўра, Тошкентда икки давлат бош вазирлари — Андрей Бабиш ва Абдулла Арипов иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди. Муҳокамалар марказида машинасозлик, транспорт ва туризм каби йўналишлар бўлиб, улар келгусидаги ҳамкорликнинг драйверлари сифатида кўриб чиқилди. Таъкидланишича, Чехия томони минтақада инвестиция ва савдо иштирокини кенгайтиришга қаратилган нуфузли бизнес делегацияси ҳамроҳлигида келган.

Нашрларнинг алоҳида блоки йирик санаят шартномаларига бағишланган. Хусусан, “iROZHLAS.cz” ва “Ceske-poviny.cz” онлайн нашрларида “Koda Group” иштирокидаги замонавий электропоездларни етказиб бериш ва уларга узок муддатли хизмат кўрсатиш тизимини яратишни назарда тутувчи келишувга эътибор қаратилди. Қўймати бир неча миллиард крон бўлган лойиҳа Ўзбекистон темир йўл инфратузилмасини модернизация қилишга қўшилган ҳисса ва бир вақтнинг ўзида Чехия компанияларининг Марказий Осиёдаги янги бозорларга чиқиш имконияти сифатида баҳоланмоқда.



Учрашув

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАДИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев Кипр Республикасининг Ўзбекистондаги Факултада ва мухтор элчиси Кипрос Йоргаллис билан учрашув ўтказди.

Учрашув давомида Ўзбекистон ва Кипр ўртасидаги икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантириш, парламентлараро мулоқотни янада фаоллаштириш, шунингдек, таълим, илм-фан, таҳлил марказлари ва академик алмашинув соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ат-

рофлича муҳокама қилинди.

Томонлар олий таълим муассасалари ўртасидаги институционал ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинувини кенгайтириш, қўшма таълим дастурлари ҳамда илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш, шунин-

гдек, Erasmus+ каби Европа академик дастурлари доирасида шерикликни йўлга қўйиш имкониятларини кўриб чиқди.

Яқунда томонлар парламентлараро, таълим ва илмий соҳалардаги ҳамкорликни изчил ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳамда ўзаро манфаатли ташаббусларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини тасдиқлади.

«Халқ сўзи».

ЖИЛВАЛАНИШИДА ҲУЗУР, ҲАР ТОМЧИСИДА ОРЗУ МУЖАССАМ



Шукур

Фаввораларга сув чиқарадиган мослама ёхуд шаҳарнинг оддий бир бўлаги сифатида қарайдиганлар қаттиқ адашади. Агар улар қалбан ҳис этиб тасвирланса, одамлар кўнгли ва димикқан шаҳарга янги нафас бағишлайдиган, руҳларга ором туғдирган муаззам жонли масканлар экани аён бўлади.

Сувнинг ер бағирдан юксакларга таллинган ҳар бир томчисини беихтиёр инсон орзуларига қиёслаб келадими, у тўсиқларни енгиб, бор кучи билан осмон сари интилади, сўнгра қайтадан ерга тушишига қарамай яна

ўз ишида давом этаверади... Эҳтимол, айнан шунинг учун ҳам юртдошларимизнинг фаввораларга меҳри бўлакча ҳамда ҳар йили 1 май санаси алоҳида байрам уларга нишонлаб келинади.



Парламент назорати

БЕКТЕМИРДА «ҚИЗИЛ» ҲУДУДЛАР ҚОЛМАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Бектемир тумани Кенгашининг қўшма мажлисида ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги атрофлича муҳожама қилинди.

Унда туман ҳокими, прокурори ҳамда Ички ишлар органи фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Кайд этилганидек, йил бошидан буён туманда хавфсиз муҳитни таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, маҳаллаларда 18 та "хавфсиз кўча" ва 13 та "хавфсиз уй" ташкил этилди. Кириш-чиқиш нүкталарига 40 та "Face ID" ва авто-рақамларни таниб олувчи камералар, аҳоли гавжум ҳудудларга эса 44 та видео-

кузатув мосламаси ўрнатилди. Шунингдек, таълим муассасалари, спорт майдонлари, савдо марказлари ва бозорларда замонавий кузатув тизимлари жорий қилинди, 206 та маиший ва савдо объектлари техник жиҳатдан қўриқловга олинди.

Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўп қаватли уйларида домофонлар, "ташвиш тугмалари" ва видеокузатув камералари ўрнатилиб, 234 та хонадон қўриқловга олинди. Ушбу чора-тадбирлар натижасида тумандаги 18 та маҳалланинг 12 таси "сарик", 6 таси

эса "яшил" тоифага киритилди. Қизил тоифадаги маҳаллалар эса мавжуд эмас. Хусусан, аввал 5 йил давомида "қизил" тоифада бўлган Нурафшон маҳалласида олиб борилган манзил профилактика ишлари натижасида ушбу ҳудуд мазкур тоифадан чиқарилди.

2026 йилнинг дастлабки 3 ойида Бектемир туманида жиноятлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5,6 фоизга камайди. Муқаддам судланганлар, вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар кескин камайгани кайд этилди. Маст ҳолда, аёллар ва ишсизлар томонидан жиноятлар содир қилинмагани, оилавий низола оқибатида ҳам умуман жиноят қайд этилмагани таъкидланди.

Шу билан бирга, таҳлиллар айрим йўналишларда

камчиликлар мавжудлигини ҳам кўрсатди. Хусусан, олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар сони 18,3 фоизга ошган. Жумладан, номусга тегиш ҳолатлари, ўғрилик, босқинчилик, фирибгарлик, безорилик ҳамда транспорт воситасини олиб қочиш билан боғлиқ жиноятлар кўпайгани айтилди. Ушбу ҳолатлар профилактика ишларини янада манзил ташкил этиши, айниқса, хавф гуруҳига кирувчи шахслар билан ишлаш самарадорлигини ошириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Мажлис яқинда мутасадди ташкилотларга профилактика ишларини янада кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

«Халқ сўзи».

ОЧИҚ ВА САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

аҳоли муурожаатларини ҳал этиш, қонунчиликка таклифлар олиш имконини бермоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси раҳбари Робахон Маҳмудова бошчилигидаги ишчи гуруҳнинг Бухоро вилоятидаги ўрганишларида асосий эътибор ёшлар таълими, улар учун яратилаётган имкониятлар ҳамда ёш авлоднинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш масалаларига қаратилди.

Фракция раҳбари ва бир гуруҳ депутати Бухоро давлат педагогика институтига бўлиб, талаба-ёшлар билан очик мулоқот ўтказди. Урашув давомида "Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030" стратегияси ва уни 2026-2027 йилларда амалга ошириш ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш берилди.

Талабалар билан таълим сифатини ошириш, ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш, инновацион гоё ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Бу бўйича ёшларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Депутатлар таълим муассасаси фаолияти, хусусан, сунъий интеллект, инклюзив таълим хоналари ва робототехника лабораторияларида яратилган замонавий шарт-шароитлар билан танишди. Айниқса, олийгоҳда жорий этилган, сунъий интеллект асосида ишлайдиган робот халқ вакиллари алоҳида эътиборни тортди. Мазкур робот нафақат олийгоҳ ҳақида батафсил маълумот беради, балки педагогик жараёнлар ва таълим тизимидаги янгиликларга оид мураккаб саволларга ҳам сунъий интеллект таҳлили асосида аниқ жавоб бериш қобилиятига эга.

Робахон МАҲМУДОВА, фракция раҳбари:

— Бугунги кунда сунъий интеллект нафақат ёрдамчи восита, балки таълим сифатини янги босқичга кўтаришда кенг имкониятларни тақдим этмоқда. Ёшларимизни ушбу технологиялардан фойдаланишга ўргатиш билангина чекланмасдан, уларда миллий қадриятларимизга мос, самарали ва хавфсиз бошқарув кўникмаларини шакллантиришимиз мақсадга мувофиқ. Талабаларнинг бу борадаги мулоҳазаларини тинглаб, ташаббусларини қўллаб-қувватладик. Шу ўринда қайд этиш жоиз, Қонунчилик палатасида ёшлар билан учрашувлар мунтазамлик касб этиб, энг муҳим вазифалардан бирига айланган.

Мулоқот чоғида бу каби тизимли ўрганишлар ёш авлоднинг сифатли таълим олиши, касбий камолоти ҳамда сиёсий-ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эгаллиги алоҳида қайд этилди.

Мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти ўрганилди

Қонунчилик палатаси депутатлари — Шарофиддин Назарова, Имомназар Турсунон Қашқадар виллоятида бўлиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши масъуллари, туман Кенгаши депутатлари ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан биргаликда Косон туманидаги қатор мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ўрганди.

Жумладан, туманининг Қўнғиртоғ маҳалласида жойлашган 36 ҳамда Некўз маҳалласидаги 24-мактабгача таълим ташкилотларида ўрганишлар олиб берилди. Унда болаларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, умумий хавфсизлигини таъминлаш, электр ҳамда санитария талабларига риоя этиш, шунингдек, мавсумдан келиб чиқиб ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилишни ҳолатлари атрофлича кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилиши, машғулотларнинг сифат даражаси ҳамда муассасаларда озиқ-овқат таъминоти ҳолати юзасидан ҳам ўрганишлар ўтказилди. Жараёнда аниқланган камчиликларни бартараф этиш, соҳадаги иш самардорлигини ошириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар тайёрланди.

Мазкур масалалар юзасидан депутатлар вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси масъуллари билан учрашди.

Унда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, қонунчилик ташаббуслари ва соҳани янада ривожлантиришга қаратилган долзарб масалалар муҳожама қилинди. Шунингдек, амалдаги қонун лойиҳаларини ҳаётга самарали татбиқ этиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва

депутатлик фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Таъкидланганидек, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, хавфсизлик талабларига қатъий риоя этиш ҳамда соғлом таълим муҳитини шакллантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада жойларда ўрганиш ишларини янада кучайтириш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Халқ вакили ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ҳолидан хабар олди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойбек Йўлдошев Андижон вилояти Хонобод шаҳрида бўлиб, аҳоли билан қатор учрашув ва мулоқотлар ўтказди.

Депутат дастлаб "Менинг боғим" лойиҳаси доирасида "Хонтоб" ва "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинларида амалга оширилаётган лойиҳалар билан яқиндан танишди. Худудларда олиб борилаётган ободонлаштириш, яшил майдонларни кенгайтириш ва аҳоли учун янада қулай муҳит яратиш борасидаги ишлар эътибор марказида бўлди.

Ўрганишлар жараёнида халқ вакили соҳада олиб борилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар яшиллик даражасини ошириш, экологик вазиятни яхшилашга хизмат қилишини қайд этиб, бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш бўйича таклифлар берди.

Кейинги манзил — Хонобод шаҳар Давлат хизматлари маркази бўлди. Депутат ушбу марказда фуқаролар учун яратилаётган қулайликлар, хизматлар сифати ва аҳоли муурожаатларига эътибор каби масалалар юзасидан масъуллар билан фикр алмашди.

Мулоқотлар чоғида хизмат турларини кўпайтириш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича тавсиялар берилди. Шундан сўнг депутат "Фозилмон" МФЙда бўлиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ҳолидан ҳам хабар олди. Уларга амалий кўмак кўрсатилди. Жумладан, ногиронлиги бўлган фуқаро Насибо Ҳамроқулловнинг муурожаоти ижобий ечим топиб, унга ногиронлик аравачаси берилди.

Ойбек ЙЎЛДОШЕВ, депутат:

— Халқимиз ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг муаммоларини жойида ўрганиб, амалий ечим топиш — асосий мақсадимиз. Айниқса, ижтимоий ҳимоя масаласи Қонунчилик палатаси фаолиятида жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис қабул қилинаётган қонунларда, аввало, аҳоли муурожаатларига хизмат қиладиган нормаларни акс эттиришга алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Учрашувларда Қонунчилик палатасининг шу йил биринчи чорадаги фаолияти, хусусан, қонун ижодкорлиги тўғрисида ҳам сайловчиларимизни хабардор этдик. Айрим қонун лойиҳалари юзасидан тегишли таклифлар олдик.

Муурожаатлар — назоратда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулжан Халмуратова "Қорақалпоғистон" ШФЙда бўлиб, "маҳалла еттигили", ёшлар ва нурунийлар билан учрашув ўтказди.

Мулоқот давомида аҳолини ўйлантираётган масалалар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар муҳожама қилинди.

Депутат сайловчиларга худудда амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, ободонлаштириш ишлари, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган дастурлар, қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида маълумот берди.

Маҳалла фаоллари томонидан ишсизлик ва томорқа ерларни суғоришда артезиан қудуғини казиб бериш бўйича кўтарилган муурожаатларни тегишли ташкилотлар билан биргаликда ҳал этиш чоралари белгиланди. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кредит олиш ва ёшлар бандлигини таъминлашга доир муурожаатлар эса депутатлик назоратига олинди.

Мазкур учрашувлар давомида халқ вакили худуддаги мавжуд спорт объектлари, тиббиёт муассасалари ва ёш тадбиркор қизларнинг фаолиятини қўздан кечирди. Уларнинг фаолияти билан яқиндан танишилиб, масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Гулжан ХАЛМУРАТОВА, депутат:

— Сайловчилар билан очик мулоқотлар аҳоли муаммоларини жойида ҳал этишга хизмат қилади. Агар ҳар биримиз одамлар дарди ва ташвишига ечим топишга, уларни рози қилишга интилсак, ислохотлар самараси оддий инсонлар ҳаётида буй кўрсатади. Зотан, халқ ишончини оқлаш — энг муҳим мезон.



Қурилиш ишларининг сифати кўздан кечирилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Наврўзбек Юсупов Андижон вилоятининг Избоскан туманида қатор таълим муассасалари фаолияти билан яқиндан танишди. Хусусан, халқ вакили худуддаги 11-умумтаълим мактабида амалга оширилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишларини, ўқувчиларнинг сифатли таълим олишлари учун яратилаётган шарт-шароитларни кўздан кечирди.

Ўрганишлар давомида бу ерда инвестиция дастури доирасида янги ўқув биносини қуриш ва мавжуд биноларни реконструкция қилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётгани маълум бўлди.

Депутат масъулларга қурилиш ишларини сифатли ва ўз вақтида яқунлаш, таълим муассасасида ёшлар учун барча қулайликларни яратиш бўйича зарур тавсиялар берди.

Кейинги манзил — тумандаги "Истиклол" маҳалла фуқаролар йиғини бўлди. Халқ вакили бу ерда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари билан танишиб, фуқароларнинг таклифлари ва муурожаатларини тинглади.

Маҳалланинг бир километрдан ортиқ ички кўчаларини асфальтлаш ишлари кўздан кечирилди. Бу аҳоли учун қулайликлар яратиш, транспорт ҳаракатини яхшилаш ва маҳалла инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қилаётгани ургуланди.

Юзма-юз мулоқотлар чоғида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

Мажнунтолдаги муаммо ҳал этилмоқда

Қонунчилик палатаси депутати Зухриддин Мавлонов ўрганишларини Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидан бошлади. У Мажнунтол маҳалласида бўлиб, аҳолини қўйиб келаётган асосий масалалардан бири — ичимлик суви муаммосини жойида ўрганди.

Аниқланишича, ушбу маҳалла кўчалари бўйлаб 2019 йилдаёқ ичимлик суви қувурлари тортилган. Аммо сервис хизматлари охирига етказилмагани сабабли, орадан 5 йил ўтса ҳамки, аҳоли хонадонларига охираётган етиб бормаган эди.

Ушбу масала масъуллар билан биргаликда ўз ечимини топиб, бугунги кунда тегишли маблағлар ҳисобидан маҳалладаги 956 та хонадоннинг барчасига хизмат кўрсатиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Депутат электр таъминоти ва хавфсизлик билан боғлиқ муаммони ҳам ўрганди. Маълум бўлишича, тумандаги 12-мактабгача таълим ташкилоти худудда жойлашган трансформатор узок йиллар давомида ишламай келган. Мазкур ҳолат нафақат электр таъминотида узилликлари келтириб чиқарган, балки боғча тарбияланувчилари ва атрофдаги аҳоли учун хавф ҳамда муайян ноқулайликлар тўғдирган.

Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида мазкур муаммо ижобий ҳал этилди. Жумладан, трансформатор боғча худудидан хавфсиз ва мақбул бўлган бошқа жойга кўчирилиши белгиленмоқда.

Халқ вакилининг Музабот туманида сайловчилар билан учрашувлари самарали бўлди. Депутат худуддаги Давлат хизматлари маркази ҳамда Президентнинг Халқ қабулхонасида бўлиб, масъуллар билан биргаликда фуқаролар билан юзма-юз мулоқот қилди. Муурожаатларнинг аксарияти жойида ижобий ҳал этилган бўлса, қўшимча ўрганиш талаб қилинадиган масалалар бўйича тегишли ташкилотларга муурожаатлар юборилиб, ихроси назоратга олинди.

«Халқ сўзи».

Кўшма мажлис

«Ташаббусли бюджет» жараёнлари эътиборда

Юқори палатанинг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан Тошкент вилоятида "Ташаббусли бюджет" жараёнларида голиб топилган лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ўрганилган эди. Яқунлар Тошкент вилояти халқ депутатлари Кенгаши билан биргаликда сайёр кўшма мажлисда муҳожама қилинди.

Таъкидланишича, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида жамоатчилик иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2024-2025 йилларда ўтказилган "Ташаббусли бюджет" жараёнларида Тошкент вилоятида фуқаролар фаол иштирок этиб, улар томонидан 9 мингга яқин лойиҳалар илгари сурилган.

Натижада 2024 йилда 574 млрд. сўмлик ҳамда 2025 йилда 594 млрд. сўмлик жамоат манфаатларига хизмат қилувчи жами 983 та лойиҳа голиб топилган. Улар сабаб ички йўллар, соғлиқни сақлаш муассасалари ва умумтаълим мактаблари таъмирланди ҳамда жиҳозланди, мактабгача таълим ташкилотлари ҳолати яхшиланди.

Шунингдек, мажлисда қўмита аъзолари вилоятда "Ташаббусли бюджет" жараёнларини амалга оширишда йўл қўйилган муаммо ва камчиликларга ҳам тўхталиб ўтди. Хусусан, 2024 йилда голиб топилган 7 та ҳамда 2025 йилда голиб бўлган 136 та лойиҳада қурилиш ишлари бугунги кунга қадар яқунланмаган. Паркент, Бўстонлик, Зангиота,

Бўқа, Қибрай, Янгийўл каби туманларда, шунингдек, Олмалик, Ангрен, Оҳангарон, Бекобод, Янгийўл, Нурафшон ва Чирчиқ шаҳарларида 2025 йилда голиб топилган ўнлаб лойиҳалар доирасида қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳамон давом этмоқда.

Туман (шаҳар) бюджетларининг қўшимча манбалари жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга тўлиқ йўналтирилмаган ҳолатлар ҳам аниқланди. Хусусан, Оҳангарон шаҳрида молиялаштириш даражаси 55 фоизни, Бўқа ва Паркент туманларида эса 65 фоизни ташкил этади.

Мажлисда "Очиқ бюджет" ахборот порталининг улзусиз ишлаганини таъминлаш, маблағлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, Ангрен, Оҳангарон, Чирчиқ, Янгийўл ва Нурафшон шаҳарлари, Зангиота, Қибрай, Пискент, Чиноз туманлари "сарик" ҳудуд деб топилгани қайд қилиниб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан масъуллар зиммасига тегишли вазифалар юклатилди.

Давра суҳбати

Жамият эҳтиёжлари билан ҳамоҳанг

"Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан Жаҳон банки ҳамда Буюк Британиянинг Тошкент шаҳридаги элчихонаси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон фуқароларини тинглаб" тадқиқоти натижаларига бағишланган "Яшил" ва энергия тежамкор келажак сари йўллар" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда сенаторлар, давлат идоралари ва вазирликлар, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, таҳлилий марказлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари қатнашди.

Давра суҳбати давомида мамлакатда "яшил" иқтисодиётга ўтиш, энергия самардорлигини ошириш ҳамда экологик барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар муҳожама қилинди. Хусусан, энергетика соҳасига жалб этилаётган инвестициялар ҳажми изчил ортиб бораётгани, янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилаётгани, шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбалари улushi кенгайиб бораётгани таъкидланди.

Тадбир сўнгида "Ўзбекистон фуқароларини тинглаб" (L2CU) тадқиқоти натижалари тақдим этилди. Унга кўра, аҳолининг энергия тежамкор технологияларга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу мамлакатда "яшил" трансформация жараёнлари жамият эҳтиёжлари билан уйғун ҳолда ривожланаётганини кўрсатади.

«Халқ сўзи».

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Бугунги глобаллашув ва индустриал ривожланиш даврида экологик барқарорликни таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш ҳамда келажак авлодлар учун соғлом ҳаётни шакллантириш масалалари ҳар бир давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар, қабул қилинаётган стратегик қарорлар ва илгари сурилаётган ташаббуслар Ўзбекистоннинг "яшил" тараққиёт сари қатъий қадам ташлаётганини яққол намоён этаётди.

Муносабат

Кунчи Президентимизга табиатни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш, чикиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш бўйича тақдим қилинган таклифлар бу йўналишдаги ишларнинг янги босқичга кўтарилаётганини аниқлади.

Сўнгги йилларда экологик қонунбазарликлар сонининг ортиб бораётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда. Айниқса, табиатга етказилган зарар билан белгиланган жарималар ўртасида мутаносибликнинг йўқлиги амалда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда самарадорликни пасайтираётган омиллардан бири ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, тақдимотда айтилган молиявий санкцияларни қайта кўриб чиқиш ва уларни халқаро стандартларга мослаштириш ташаббуси ўта долзарб аҳамиятга эга. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, юқори ва адолатли жарималар нафақат жазолаш воситаси, балки профилактик механизм сифатида ҳам хизмат қилади. Бу эса тадбиркорлар ва аҳоли ўртасида экологик масъулиятни оширишга ҳисса қўшади.

Шунингдек, экологик назорат тизимини рақамлаштириш, мониторингнинг кучайтириш ва жамоатчилик назоратини кенгайтириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда юқори самарадорликка эришиш мумкин. Алоҳида эътибор қаратилган масаладан лалардан яна бири — Угом дарёси ва унинг атрофи-муҳитини муҳофаза қилиш. Бу ҳудуд нафақат экологик, балки стратегик аҳамиятга эга бўлиб, у биохимияликни сақлаш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва иқлим барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Шу боис Угом дарёсини давлат муҳофазасига олиш ва уни гидрологик табиат ёдгорлиги сифатида эътибор этиш ташаббуси узок муддатли экологик сиёсат нуқтаи назаридан тўғри ва оқилона қарор ҳисобланади. Бу орқали нафақат табиий ресурслар сақлаб қолинади, балки илмий тадқиқотлар, экологик таълим ва туризмин ривожлантириш имкониятлари ҳам кенгайиши.

Чикиндиларни бошқариш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Аҳоли сонининг ўсиши ва саноатлашув жараёнлари чикиндилар ҳамда янги кескин ошираётган бир шароитда бу соҳада замонавий ва инновацион ёндашувларни жорий қилиш талаб этилади.

Тақдимотда чикиндиларни қайта ишлаш ҳажминини ошириш, логистика тизимини такомиллаштириш ва илгор технологияларни жорий этиш орқали соҳани янги босқичга олиб чиқиш имкониятлари кўриб чиқилди. Айниқса, чикиндилардан энергия ишлаб чиқариш лойиҳалари экологик ва иқтисоди-

дий жиҳатдан самарали ечим сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Бундай лойиҳалар чикиндилар ҳажминини камаййтириш, энергия манбаларини диверсификация қилади, иқтисодий қўшимча қиймат яратади. Бу эса "айланма иқтисодиёт" моделини жорий этишга хизмат қилади.

Интеграциялашган платформа эса маълумотлар базасини марказлаштирилади. Шунингдек, чикиндилар ҳаракатини назорат қилади, қайта ишлаш жараёнларини мувофиқлаштирилади ҳамда шаффофликни таъминлайди. Бу орқали экологик хавфсизликка эришиш ва фақулда ҳолатларнинг олдини олиш имконияти сезиларли даражада ошади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва экологик туризмни кенгайтириш экологик сиёсатнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бу йўналиш икки томонлама самара беради. Экологик туризм аҳолида табиатга эҳтиромни шакллантиради, экологик маданиятни юксалтиради ва янги иш ўринларини яратади.

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабишининг 29-30 апрель кунлари мамлакатимизга расмий ташрифи кўплаб сиёсатчилар, олимлар, иқтисодчилар, жамоат арбоблари ва экспертларнинг катта эътиборига сазовор бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари мазкур ташрифнинг аҳамияти ҳақида ўз муносабатларини билдирди.

Акс садо

Хушвақт ХАЙИТОВ, Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси:



— Ўзбекистон ва Чехия ўртасидаги муносабатлар илдири узоқ ўтмишга бориб тақалса, замонавий босқичда мазкур шериклик ўзаро ҳурмат ва стратегик манфаатларнинг муштараклиги асосида янгилик мазмун касб этмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилгандан буюн Чехия Ўзбекистон учун Европа Иттифоқидаги ишончли ва барқарор ҳамкор, мамлакатимиз эса Марказий Европадаги ушбу индустриал ривожланган давлат учун минтақадаги муҳим сиёсий-иқтисодий дарвоза бўлиб хизмат қилмоқда.

Чехия Республикаси Бош вазирининг мамлакатимизга расмий ташрифи нафақат икки давлат ўртасидаги ҳамкорлиқни, балки Европа давлатларининг Марказий Осиёдаги иштироки кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Ташриф давомида бўлиб ўтган музокаралар расмий Тошкент ва Прага ҳамда Ўзбекистон ва Марказий Европа давлатлари ўртасида узоқ мuddатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Ўз навбатида, бу икки мамлакат манфаатлари йўлида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун янги истиқболларни очиб беради.

Кенгайтирилган ҳамкорлиқни илгари суриш тўғрисида қўшма декларациянинг имзолангани ва бошқа келишувлар икки давлатнинг нияти қатъий эканини яққол кўрсатади. Электропоездлар етказиб беришдан тортиб, геология ва метрология соҳасидаги инновацияларга бўлган кенг қўламли ҳужжатлар тўплами икки томонлама муносабатларнинг "йўл харитаси"га айланганига ишонамиз.

Гулнораҳон АБДУВОҲИДОВА, Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзоси:



— Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтган тарихий учрашувлар нафақат икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродасини, балки Марказий Осиё ва Марказий Европа ўртасидаги иқтисодий кўприкларнинг мустаҳкамлигини намойиш этди.

Ушбу учрашувнинг энг муҳим жиҳати шундаки, у шунчаки дўстона ташриф эмас, балки аниқ ҳисоб-китоблар ва узоқ мuddатли стратегик манфаатларга асосланган амалий мулоқотга айланди. Зеро, бу ташриф Ўзбекистон — Чехия муносабатларида сифат жиҳатдан янги даврни бошлаб берди.

Чехияда Ўзбекистоннинг биринчи сертификатлаш филиали ташкил этилаётгани ва юртимизда "Евро-6" стандартидаги автомобилларни сертификатлаш лабораторияси қурилаётгани маҳаллий маҳсулотларимизнинг Европа бозорларига чиқиши учун "яшил йўлак" очди, десак, янглишмаймиз.

Машинасозлик, "яшил" энергия, фармацевтика ва кимё соҳасидаги ҳамкорлик Ўзбекистоннинг sanoat салоҳиятини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Чехиянинг Экспорт кредитларини суғурталаш агентлиги ва Чехия Экспорт банкининг лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашга тайёрлиги эса инвестициявий муҳитнинг жозибдорлигини янада оширади.

Эътиборлиси, ҳамкорлик фақат завод ва фабрикалар билан чеклиниб қолмай, балки инсонлар ҳаётини яхшилашга қаратилган "ақли" лойиҳаларини ҳам қамраб олди. "Ақли" шахарлар яратиши, рақамлаштириши ва муҳандислик иши соҳаларидаги келишувлар Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

«Халқ сўзи».

ҲАМКОРЛИҚНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Чехия матбуоти икки давлат раҳбарларининг Тошкентдаги музокаралари ҳақида

«Forum24.cz» порталида ҳам икки томонлама муносабатларнинг иқтисодий динамикаси таъкидланган, сўнгги йилларда Чехиянинг Ўзбекистонга экспорти ҳажми деярли уч баравар ошгани урғуланган. Шу нуқтаи назардан, Андрей Бабишининг ташрифи Чехия маҳсулотлари ва технологияларини, биринчи навбатда, машинасозлик, транспорт ечимлари ва соғлиқни сақлаш соҳаларида янада илгари су-

риш воситаси сифатида кўрилмақда. Ўз навбатида, "ЕuroreSays" нашрида ташриф Чехиянинг Марказий Осиёда иқтисодий иштирокини мустаҳкамлаш бўйича узоқ мuddатли сиёсатининг бир қисми сифатида баҳолаган. Нашрда расмий Праганинг нафақат экспорт ва инвестицияларни ошириш, балки Чехия бизнесининг минтақанинг истиқболли бозорларидаги мавқенини мустаҳкамлаш истаги таъкидланган.

Чехия оммавий ахборот воситалари нашрлари таҳлили шунини кўрсатадики, Чехия Бош вазирининг Ўзбекистонга ташрифи амалий натижаларга, sanoat кооперацияси ва иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтиришга эътибор қаратган ҳолда икки томонлама шериклиқни ривожлантиришда муҳим қадам сифатида қабул қилинмоқда.

«Дунё» АА. Прага шаҳри

Медиахафталик БИЛИМ, АМАЛИЁТ ВА НАТИЖА УЙҒУНЛИГИ

Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази томонидан Ёшлар ишлари агентлиги, Журналистлар уюшмаси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Самарқандда ташкил этилган медиахафталик муваффақиятли якунланди.



Бир ҳафта давомида ўтказилган ушбу кенг қамровли дастур медиасоҳаси вакиллари, ахборот хизматлари ходимлари, блогерлар ҳамда ёш контент яратувчиларни бир майдонга жамлаб, уларнинг касбий салоҳиятини оширишга хизмат қилди.

Дастурга кўра, хафталик давомида умумий ҳисобда қарий 700 нафарга яқин иштирокчилар жалб этилди. Шундан, 80 дан зиёд матбуот котиблари ва ахборот хизмати ходимлари, 40 нафар давлат ва нодавлат телевидение вакили (муҳаррир, муҳбир, монтажчи ва тасвирчилар), 56 нафардан зиёд газета ва интернет ОАВ вакиллари, 23 нафар маҳаллий блогер, 84 нафар мубиллограф, 109 нафар SMM муваххасиси ҳамда 300 нафар контент яратишга қизиқувчи йигит-қиз фаол иштирок этди.

Хафталик якунида ўтказилган медиафорумда эса 500 дан зиёд медиавакиллари ва ёшлар қамраб олинди.

Тадбирларда малакали экспертлар иштирок этиб, ўз билим ва тажрибаси билан ўртоқлашди. Хафталик доирасида аудитория билан медиа хавфсизлик, фактчекнинг, стратегик коммуникация, сунъий интеллект имко-

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

2026 ЙИЛГИ МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ ИНДЕКСИ

Тарихда биринчи марта дунё мамлакатларининг яримдан кўпи матбуот эркинлиги ҳолати бўйича "мураккаб" ёки "жуذا жиддий" тоифаларга кирди.

"25 йил ичида 180 та мамлакат ва худуднинг ўртача кўрсаткичи ҳеч қачон бунчалик даражада паст бўлмаган", дейилади. "Чегара билмас муҳбирлар" эълон қилган ҳисоботда. "Индекснинг ҳуқуқий кўрсаткичи ўтган йил давомида энг кўп пасайишни қайд этди. Бу бутун дунё бўйлаб журналистик тобора криминаллаштирилган ёлғондан далолат беради", дейилади индекс таҳлилида.

Таъкидланганича, рейтингда АҚШ етти поғона пастлади. Ҳозирги вақтда мамлакатларнинг тахминан 75 фоизиди матбуот эркинлиги билан боғлиқ вазият "муаммоли" ёки ундан ҳам ёмонроқ деб баҳоланмоқда. Мамлакатларнинг яримдан кўпида (52,2 фоиз) ОАВ учун шароитлар "мураккаб" ёки "жуذا жиддий" деб баҳоланган. Ун йилдан бери Норвегия биринчи ўринини эгаллаб турибди. Эритрея эса кетма-кет учинчи йил охириги ўринда қолимоқда.

НОБЕЛЬ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР АНИҚ

Номзодларни кўрсатиш мuddати 31 январда тугади. Норвегия Нобель кўмитаси котиби Кристиан Берг Харвёкеннинг сўзларига кўра, рўйхат ўтган йилдаги қараганда анча узун.

Хабарларга қараганда, бу йилги 287 нафар номзоднинг 208 нафари жисмоний шахслар, 79 таси эса ташкилотлардир. Дунёда урушлар қўлайиб, халқро ҳамкорлик босим остида қолаётганига қарамай, мукофот ўз аҳамиятини йўқотмаган.

ГЛОБАЛ ҲАРБИЙ ХАРАЖАТЛАР ОШИДИ

Стокгольм халқро тинчлик муаммоларини тадқиқ қилиш институти томонидан (SIPRI) йиллик «Жаҳон харбий харажатлари тенденциялари» ҳисоботи эълон қилинди.

Унга кўра, Европанинг мудофаа харажатлари 2024 йилдаги нисбатан 14 фоизга ошиб, 864 миллиард долларни, Осиё ва Океанияда эса 8,1 фоизга ўсиб, 681 миллиард долларни ташкил этди. Умумий ҳисобда, 2025 йилда бутун дунё бўйлаб харбий дастурларга деярли 2,9 триллион доллар сарфланади. Бу ўтган йилдаги нисбатан 2,9 фоизга кўп.

Ҳисоботга кўра, бу кўрсаткич дунё яли ички маҳсулотининг 2,5 фоизини ташкил этади.

ЯҚИН ШАРҚДАГИ МОЖАРО ОҚИБАТЛАРИ

Журналистлар билан учрашган БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг фикрича, Ўқибатларнинг низо фонидида маҳсулот етказиб беришдаги узиллишлар йил охиригача сақланиб қолса, дунёга глобал рецессия хавф солади.

Унинг сўзларига кўра, оқибатлар аянчли бўлади. Энг оғир зарба ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади. БМТ Бош котиби мазкур давлатларнинг инқирозга қарши туриш қобилияти катта қарзлар юки туфайли фалаж бўлганини қайд этган.

Инқироз иш ўринларининг оммавий йўқолишига, қашшоқлик даражасининг янада ошишига ва ушбу минтақалардаги очлик муаммосининг кескинлашувига оқибат келади. БМТ раҳбари Яқин Шарқдаги низо оқибатлари хар соатда оғирлашиб бораётганини қайд этган.

БОКУ ЙИРИК ТАДБИРГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА

2026 йил 17 — 22 май кунлари Озарбайжон пойтахти Бoku шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жаҳон шаҳарлар форуми ўн учинчи сессияси бўлиб ўтади.

Мазкур нуфузли тадбир шаҳарларни барқарор ривожлантириш ва замонавий урбанизация масалаларига бағишланган жаҳондаги энг асосий, бош платформа ҳисобланади. БМТнинг аҳоли пунктлари бўйича дастури (UN-Habitat) ва Озарбайжон ҳукумати ҳамкорлигида ташкил этилаётган ушбу форум давлат тўлиқларига, халқро ташкилотлар, экспертлар ҳамжамияти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ягона мулоқот майдонидида бирлаштирилади.

НИКОҲЛАР СЕНИ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ

Йил бошидан бери Олмаотада тахминан 4600 та никоҳ қайд этилган. Бу хабар "Kazinfo" да маълум қилинди. "Фуқаролар учун ҳуқумат" давлат корпорациясининг Олмаота филиали маълумотларига кўра, шаҳарда хар кунни ўртача 70 та тўй маросими ўтказилади.

Турмушга чиқаётганларнинг ўртача ёши келинлар учун 29 ёш, кувёлар учун 32 ёшни ташкил этади. Бу йил никоҳни рўйхатдан ўтказиш учун энг кеска ариза берувчи 92 ёшли эркак бўлди. Шунингдек, қонуний талабларга мувофиқ рухсат олган энг ёш жуфтлик 16 ёшида оила курди.

Шу даврга 409 жуфтлик хоржий фуқаролар билан никоҳни рўйхатдан ўтказди. Бундан ташқари, йил бошидан бери тахминан 934 жуфтлик ажрашган.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТУЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ЮҚОРИ ЎСИШ ДИНАМИКАСИНИ САҚЛАБ ҚОЛМОҚДА

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар туфайли иқтисодиётимизда юқори ўсиш динамикаси сақланиб қолмоқда. Дунёдаги мураккаб вазиятдан келиб чиқиб таҳлил қилинса, бу ижобий ҳолат, албатта. Макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, унга соғлиқ омилларининг таъсирини камайтириш, иқтисодиёт тармоқларини янада ривожлантириш, инвестиция фаоллигини кучайтириш масалалари давлатнинг асосий фаолият мезонига айланган.

НУҚТАИ НАЗАР

Яқинда Президентимиз раислигида мамлакатимиз иқтисодий ўсишини таъминлаш бўйича биринчи чорак якунлари ва устувор вазифалар муҳофазасига бағишланган видеоселектор йиғилишида шу ҳақда сўз борди. Аниқ рақамларга тўхталсак, жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз яли ички маҳсулоти 8,7 фоизга, sanoat — 8, хизматлар — 16,1, ва қишлоқ хўжалиги 5,1 фоизга ўсди.


Бундан ташқари, экспорт ҳажми 5,8 млрд. долларни, хоржий инвестициялар эса 13,7 млрд. долларни ташкил этди. Инфляциянинг йиллик ҳисобда 7,1 фоизгача пасайиши эса аҳолининг харид қобилиятини ошириш ва иқтисодий барқарорлиқни таъминлашга катта ҳисса қўшди. Ҳисобот даврида бюджет даромадлари ўтган йилдагига нисбатан 35 фоиз кўпайиб, 103 трлн. сўмга етди.

Натижалар чегара эмас

Президентимиз келгусида давлат активларининг 30 фоизини халқро фонд бозорларига чиқариш режасини эълон қилди. Бу Миллий инвестиция жамғармасини ташкил этиш ва стратегик корхоналарни бошқариш учун нодавлат сектор билан ҳамкорлик қилиш имконини беради.

Халқро валюта жамғармаси эълон қилган ҳисоботда Ўзбекистоннинг иқтисодий фаоллиги ва барқарор ўсишини эътибор этгани мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эга. "Иқтисодий эркинлик индекси"даги 14 поғона юқорилаш эса юртимизнинг иқтисодий сиёсати тўғри йўналишда олиб бораётганидан далолат. Бироқ давлатимиз раҳбари айтиб ўтганидек, бу натижалар билан қифояланиш асло мумкин эмас. Глобал зиддиятлар ва қарама-қаршилиқлар даврида иш услуби ҳамда ёндашувларни ўзгартириш зарур. Зеро, иқтисодиёт ва одамлар талаблари кун сайин ортмоқда, шу боис раҳбарлар ҳам ўзгаришларга тайёр бўлиши керак.

Иқтисодиётни янада жадаллаштиришнинг энг самарали усули — бу кичик ҳамда ўрта бизнесни ривожлантириш. Бу борада бизнес эгалари учун банклар орқали 140 трлн. сўм маблағ ажратилмоқда. Бундан ташқари, кредит ресурсларини самарали лойиҳаларга йўналтириш муҳимлиги таъкидланди. Учкўприк, Пискент ва бошқа туманлардаги паст иш ўринлари ҳолати эса бундай лойиҳаларни аниқлаш ва амалга оширишда сунъий интеллектдан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади. Туман банкларини сунъий интеллектга ўқитиш ва кредит ресурсларини самарали лойиҳаларга йўналтириш бўйича ишлар сулғими танқид қилинди. Банкларда "Сунъий интеллект маслаҳатчиси" платформасини ишга тушириш тадбиркорларга кредит олиш учун лойиҳанинг параметрлари ва бозор талабини таҳлил қилиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.



Боз устига, видеоселектор йиғилишида ўртага ташланган масалалар ва ишга янгича ёндашув бўйича тақлифлар Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида янги босқични белгилаб беради. Иқтисодий фаоллиқнинг юқори кўрсаткичлари ҳамда халқро миқёсдаги тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлар мамлакатимизнинг глобал иқтисодий майдондаги ўрнини мустаҳкамлайди. Аммо раҳбарларнинг янги шароитларга мослашиши, инновацион ёндашувларни жорий этишлари ва самарали лойиҳаларни аниқлаш ўсишининг барқарор гаровига айланади.

Шубҳасиз, иқтисодий ўсишда тадбиркорларни зулуксиз электр қуввати билан таъминлаш жуда муҳим. Шу боис, энергия самарадорлиги ва иқтисодий ривожланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Электр йўқотишлари 20 фоиздан юқори бўлган 44 та туман электр тар-

моқлари корхоналари танқид қилинди. Ушбу ҳолат раҳбарлар учун жуда муҳим сигнал бўлиб, хулоса чиқармаган раҳбарлар ўрнига изланадиган ёш кадрларни жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари соҳани жиддий ўзгартиришга имкон берадиган чора-тадбирларга тўхталиди. Хусусан, туманларда электр йўқотишларини 2 қарра камайтириш бўйича аниқ КРП белгилаш тақлиф қилинди. Бу, ўз навбатида, энергия самарадорлигини ошириш ва иқтисодий ўсишини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, техника олийгоҳларида энергетика йўналишида 10 мингдан зиёд талабалар таълим олаётгани, уларни техника хавфсизлигига ўқитиш ва дуал таълим асосида иш жойларига жалб қилиш тақлифи илгари сурилди. Устувор шогирдларини туманларга олиб бориб иш ўргатиши ва йўқотишларни камайтириш бўйича ечимлар тақлиф қилиши лозимлиги, тармоқ раҳбарлари ҳамда ҳокимлар бу

риш, sanoat режалари ва экспортни ошириш имкониятлари кўриб чиқилди. Зеро, логистикадаги узиллишлар оқибатида биринчи чорақда қорамол импорти 2 қарра камайган. Бу муаммага тезкор ечим топиш учун самолётда ташиландиган хар бир насли қорамол учун транспорт харажати-нинг ярмини қоплаш йўлга қўйилди.

“Президентимиз келгусида давлат активларининг 30 фоизини халқро фонд бозорларига чиқариш режасини эълон қилди. Бу Миллий инвестиция жамғармасини ташкил этиш ва стратегик корхоналарни бошқариш учун нодавлат сектор билан ҳамкорлик қилиш имконини беради.”

йил 5 млрд. киловатт электр ва 3,5 млрд. кубометр газни тежаши шартлиги таъкидланди.

Даромад келтирадиган муҳим тармоқлар

Туризм — иқтисодиётнинг катта даромад келтирадиган соҳаларидан бири. Мазкур йўналишда ҳам ижобий натижалар қайд этиляпти. Ўзбекистонга 3 миллионга яқин хоржий сайёҳ келгани ва туризм экспорти 1 млрд. 103 млн. долларни ташкил қилгани эътиборга молим. Эндиликда хар бир туманнинг туристик жозибдорлигини ошириш учун комплекс тақлифлар тўпламлари тайёрланади. Асосийи, иқтисодиётимизни ривож учун муҳим йўналишлар белгилаб берилдики, уларнинг ижроси мамлакатимизнинг глобал иқтисодий майдондаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугун логистика, қишлоқ хўжалиги ва sanoat масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмаётди. Йиллик қорамол ва гўшт импорти, озуқа экинлари, картошка етишти-

нарсаси билан оқлаб бўлмайд. Шу каби камчиликлардан келиб чиқиб, Президентимиз тадбиркорларга самарадорлиқни ошириш бўйича илгор дастурларни жорий қилишни тақлиф қилди.

Мамлакатимиздаги тадбиркорлар чет элда кўриб келган илгор усулларни ўз корхоналарида жорий қилишни бошлагани тезда ўз мева-ларини бера бошлаши аниқ. Иқтисодиёт ва молия вазирлигига бу йил 100 та корхонада самарадорлиқни ошириш бўйича илгор дастурларни жорий этиш, бунга 30 млн. доллар грант жалб қилиш топширилди. Мақсад аниқ — тадбиркорларнинг фаоллигини ошириш ва самарадорлиқни таъминлаш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш.

Сифат бор жойда самара бўлади

Сир эмаски, иқтисодиёт ривожига хоржий инвестициялар муҳим ўрин тутаяди. Жорий йилда 53 млрд. доллар хоржий инвестиция жалб этиш мақсад қилинган. Президен-

тимиз таъбири билан айтганда, қачонки раҳбарлар биринчи қадамдан бошлаб тўғри лойиҳа танласа ва шунга мос салоҳиятли инвестор топса, шунда инвестицияда сифат бўлади. Ўз навбатида, иқтисодиётга катта самара берадиган лойиҳа ҳамда технологик ечимларни танлашда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш ҳам самара беради.

Кези келганда айтиш кераки, юртимизда хоржий инвестиция иштирокида 18 мингдан ортиқ корхона фаолият қоритаяпти. Аммо ишлаб чиқариши бор 526 та корхона бирор марта ҳам экспорт қилмаган. Шунингдек, 767 та хоржий инвестиция иштирокидаги корхона фақат четдан товар олиб келиб, сотиш билан шуғулланыпти. Ваҳоланки, буларнинг маблағи, тадбиркорлик кўникмаси, ички ва ташқи бозорда ҳамқори, кўпчилигида ўз бренди бор. Четдан ўз маҳсулотини олиб келиб сотаётганларни маҳаллий тадбиркорлар билан боғлаб, эҳтиёт ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш бўйича кооперацияни йўлга қўйиш, маҳсулотини ички бозорда сотаётганларга экспортга чиқиш учун ёрдам бериш, дастур ишлаб чиқиш топшириги берилди. Ушбу тадбирлар Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Мутасаддиларнинг фаолиятини яхшилаш, лойиҳаларни самарали амалга ошириш ва тадбиркорларга ёрдам бериш орқали мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш мумкин. Бу йўналишлардаги ишларни самарали ташкил этиш иқтисодий ўсишни таъминлаш ва халқ фаровонлигини янада оширишга олиб келади. Зеро, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш учун барча томонларнинг ҳамкорлиги муҳим.

Ўзбекистон — мавжуд қийинчиликларга қарамай, шиддат билан ривожланаётган мамлакат. Жаҳон банки сўнгги йилларда мамлакатимизни дунёнинг энг фаол ислохотчи давлатларидан бири дея таъкидлаб, иқтисодиётимизнинг йилдан-йилга ўсиб бораётгани, иқтисодий кўрсаткичлар бўйича минтақада анча илгариллаб кетаётганини эътироф этгани фикримиз тасдиқидир.

Мунис АБДУЛЛАЕВ, Халқро Нордик университети Саноатни бошқариш ва рақамли технологиялар кафедраси мудири, профессор.

Истиклол илҳоми

Учинчи РЕНЕССАНС — Учинчи ТЎЛҚИН

Менинг томиримда қоним мусаффо, Буюклар сурури, руҳи оқади. Тарихдан сўз очсанг, мудоққ танингда, Аждодлар шарафи олов ёқади.

Оламни ёритди илм, ғароҳат, Юсуф Хос Ҳожибдан боиланган билги. "Маъму" устуллари айтади ала, Хоразмий ясаган тебрана бешик.

Фаробий ғажжаги башорат берар, Яссавий тақвоси, ҳикматларидан. Дунёни уйғотиб садолар келар, Беруний кашф этган хилқатларидан.

Термизий, Фарғоний, Замахшарийлар, Тош қалблар қарига битдилар битик. Қоронгу кўнглилар ёришди бирдан, Фикрлар тириди, тафаккур тирик.

Товонда қон билан Имом Бухорий, Жолдара ҳадиси нақшидай ўйди. Ибн Сино келди, ҳайратда жаҳон, Дунё ярасига малҳамлар кўйди.

Йиллар ўтди, кураш, жанглар, истило, Қиллар келмади, ахир қилчи қайбар. Соҳибқирон Темур — адолат тонги, Гўё, кўши чимчи нуллари тараб.

Сўз мулки султони — ҳазрат Навоий, Шоир — уламо, шоир — бақо! Бобурий нафосат, бобурий ҳикмат, Асрлар сўймайди, берар акс садо.

Мустабид замонлар, энди хайр-хуш, Элим овод, худрид, юрт эса овод. Ҳар лаҳза яшамок бахт энди бунда, Ниятлар гўзалдир, гўзалдир ҳаёт!

Бугун наъра тортар учинчи тўлқин, Томирда кўпирар аждодлар шаҳди. Бугун омон бўлсин, илму фан ишқи, Ҳақнинг июнати — салтанат тахти!

Фарида АФРЎЗ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ

Ўзбекистон ягонаман, ягонаман, Онажоним, муҳтарамим, дурдонаман, Доншмандлар ватанисан, нуҳонаман, Олам узра тафаккур, нур таратамиз, Янги ҳаёт ва келажак яратамиз.

Тошни ёрган майсадирмиз, баҳордирмиз, Ор талашан Алпомишимиз, баҳодирмиз. Дунё бедорники экан, бедордирмиз, Ислоҳотлар узра боримиз, сафарбармиз, Янги ҳаёт ва келажак яратамиз.

Шерлар билан шер киради мулоқатга, Жой қолдирмас хусуматга, адоватга, Аждар билан тил топишар фавқулодда, Юрт қақирса, миллион йигит чиқар отга, Янги ҳаёт ва келажак яратамиз.

Чегарада турган аллар, арслонларим, Юрт байроғини кўза суртган полковларим, Амир Темур авлодлари, султонларим, Спортчилар, шахматчилар, мардонларим, Янги ҳаёт ва келажак яратамиз.

«Афросиёб» Самарқандга еган чоғлар, Мангуберди Хоразмга қайтган чоғлар, Гул шаҳарлар, гул кишлоқлар дилни чоғлар, «Яшил макон», янги чаман, янги боғлар, Янги ҳаёт ва келажак яратамиз.

Мустақиллик тўйидир бу, гуллар сайли, Юракларнинг байрамидир, диллар сайли, Ҳалол меҳнат, бардош, сабр, аҳд тўфайли, Ягона халқ бирлиги бу — бахт тўфайли, Янги ҳаёт ва келажак яратамиз.

Ўзбекистон оёсам бошим кўкка етди, Ҳумо қушим занжирларни кесиб ўтиди, Биз бирлашдик бахтга етдик, бахтга етдик, Ягона халқ бўлдиқ мағзур аҳда етдик, Янги ҳаёт ва келажак яратамиз.

Ватан сўзин жон олиб айт, жон бериб айт, Ватан сўзи удуғ қалом, муқаддас байт, Яратувчи миллатдиримиз! Сўраса айт, Олам узра тафаккур — нур таратамиз, Янги ҳаёт ва келажак яратамиз.

Зулфия МҮМИНОВА, «Маърифат» тарбияotchилар жамияти сўзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

18 МИНГ ОЛАМ АРО СОАТ

Болалигида тип-тиник ва бепоён самода ортидан оппоқ узун из қолдириб, мағрур учиб бораётган самолётга боқиб хаёл сурмаган, булутлар узра парвоз этишни орзу қилмаган инсон кам топилмади. Зеро, учқур ҳаво кемаи — юғурик вақтинг, мусаффо осмон эса болагимизнинг ўзига хос тимсолидек гўё... Англаганингиздек, хикоямиз учувчилик, бу

Ватан қаҳрамонлари

Тарихни ўзгартирган кун

2001 йил 11 сентябрь. Ўша кунни тонг ҳамма жойда бир хил отди. Қуёш одатдагидек чиқди, одамлар кундалик юмушига киришди. Ҳеч ким бу сана мудоҳиш фожиялардан бири юз берган кун сифатида тарих саҳифаларига муҳрланишини ҳали билмас эди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси, "Боинг-757" самолёти командири Зархўжа Саидазимов ҳам одатига мувофиқ, ўша кеча тўйиб улаб, тонгсахар хуш кайфият билан уйғонди. Сентябрь тонглари илик, ёқимли, фарахбахш бўлади.

Об-ҳавога монанд, парвозга тайёргарлик ҳам яхши ўтди. Самолёт ҳавога кўтарилди.

У командирилик қилаётган 101-рейсли ҳаво лайнери Тошкентдан Нью-Йоркка Буюк Британиянинг Бирменгем шаҳри орқали учар эди. Буюк Британия аэропортида кутилмаган воқеа содир бўлади. Йўловчилардан бири вафот этади.

— Бундай воқеалар, камдан-кам бўлса-да, юз бериб туради, лекин ўшанда нимагадир кўнглимда бироз ғашлик сездим, — дея эслайди Зархўжа ака. — Вафот этган аёлнинг қўлида юки ҳам йўқ эди, шундоқ трагика чиқаётганда шу воқеа бўлди. "Э, Худо, ишқилиб, ҳаммамизнинг ўзинг асра", деб юбордим беихтиёр.

Бахтсиз ҳодисага қарамай самолёт Бирменгем аэропортидан ўз вақтида жўнайди...

Зархўжа Саидазимов 18 минг 250 соатлик беҳато парвоз тажрибасига эга. Мазкур рақам авиацияда нима инглишнинг соҳа одамлари яхши билади. Бу ўз ишининг наинки устаси, балки пири бўлиб кетган учувчиларга насиб этадиган натижа. Бинобарин, қаҳрамонимиз чинакам шонли фаолияти давомида самолёт штурвалда ўтириб, миллионлаб километр масофани босиб ўтган, турли миллат ҳамда элат, дин ва маданият вақиллари, турфа дунёқараш ва фезъл-атвор соҳиб бўлган кишиларни кўрган, кузатган, улар билан мулоқот қилган. Қанчадан-қанча гаройиб воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлган. Ерда ҳам, осмонда ҳам кўплаб мураккаб вазиятларга дуч келиб, улардан Яратганнинг марҳамати ва ёрдами ила чиқиб кетишга муваффақ бўлган.

Аммо ўша кун унинг ҳаётию фавқулодга қўнғилсизликдан сўнг ҳам хаёлига келмаган эди.

Самолёт бир маромда учиб борар экан, манзилга яқинлашиб қолганда шундай ахборот келади:

"Нью-Йоркда бир самолёт кулаб тушди. Аэропорт ёпиқ. Рейслар бошқа шаҳарларга, муқобил аэропортларга йўналтирилади..."

Улар Жон Кеннеди номидаги Нью-Йорк халқаро аэропортига қўнғиллаш керак эди. Командир Зархўжа Саидазимов дастлаб, аэропортнинг ўзида нимадир юз берган бўлса керак, деб ўйлайди. Эҳтимол, самолёт учиб-қўнғиллаш йўлидан чиқиб кетгандир. Аник нима бўлаётгани ҳақида маълумот йўқ эди. Бироздан сўнг иккинчи хабар келади: "Нью-Йоркда яна бир самолёт кулаб тушди..."

Мана буниси энди океанортида гаироддий, дахшатли воқеалар содир бўлаётганини аниқларди.

Учинчи хабар аввалгиларидан ҳам мудоҳишроқ оҳангда янграйди: "Осиё"

аммо бу йўлда нима қилиш лозимлигини у ҳали билмас эди. Билгани — авваламбор, худди отаси каби техниканинг тилини тушуниш керак.

Раҳматли падари бузарқувори Мурод Саидазимов узоқ йиллар ҳайдовчилик қилган, машина зотини моторининг товушига қараб танир, қаерида нима "касал"и борлигини қарамасдан айтиб беради.

Учувчилик ҳаваси юрагига чўғ солган ўспирин бир кунни дадасига кўнгли ёради.

— Ўғлим, яхшилаб ўйлаб кўрдингми, қароринг қатъийми? — деб сўрайди ота фарзандига катта одамлардек қараб.

— Ҳа, — дейди Зархўжа ишонч билан.

Мурод ака ўғлининг улғайиб қолганини ҳис этиб, ичидан мамнун бўлади.

Ота розилиги, дуоси билан бош...

...АҚШ ҳудудига қўнғиллаш имкони бўлмаган, муқобил аэропорт излашга тушадилар. Лайнерда ёқилги тугаб борар, ягона имкон — Канаданинг Ҳэппи-Вэлли шаҳри яқинида жойлашган "Гус Бей" ҳарбий аэродроми эди. ...Штурвални зудлик билан Шимола — Канадага қаратиб бурар экан, командирининг ҳаёлидан битта фикр ўтар эди: "Ишқилиб, эсон-омон қўнғил олайлик..." 180 йўловчининг ҳаёти қил устида турар, лаҳзанинг баҳоси инсон умри билан ўлчанар эди.

Хайрият, самолёт эсон-омон қўнғилди. Лекин унинг ичидида бўлган қарийб 200 одамга қўнғил мамлакатда юз берган фавқулодда вазият туфайли саккиз соат давомида, токи бутун "номаи аъмоллари", таржимаи ҳоллари тафтиш қилиниб, ҳужжатларда уларнинг террорчи-экстремист эмаслиги тасдиқланмагунча ташқарига чиқишга рухсат этилмади.

Албатта, она ер бағрига омон қайтишининг ўзи — катта давлат, аммо йўловчилар орасида қанча кекса, бемор кишилар, болалар бор эди. Бортадга озик-овқат ҳам чек-чегарасиз эмас. Ниҳоят, кема сардорини Зархўжа Саидазимовнинг ташкилотчилик ва дипломатик маҳорати, ўзбекиона хуш муомаласи, музокаралардаги устомонлиги эвазига йўловчиларни туширилади, ҳарбий казармалардан вақтинча жой берилади.

Ватандан йироқда, манзилдан узоқда уч қун қолиб кетадилар. Вазият бироз юмшаб, самолётларга учиб учун рухсат теккач, ниҳоят, юртга қайтишди.

101-рейс билан Тошкент — Бирменгем — Нью-Йорк йўналиши бўйлаб йўлга чиққан самолётда тақдир тақозоси билан Гус Бей — Лондон — Тошкент йўналиши орқали ортага қайтган йўловчилар йўл деганининг чиндан ҳам азоб эканини ўшанда юрак-

ИННОВАЦИОН ҲОЯЛАР АМАЛИЙ ЛОЙИҲАЛАРГА АЙЛАНМОҚДА

Жорий йилнинг 28 — 30 апрель кунлари Тошкент шаҳрида муҳандислик ва инновационер руҳи ҳукмрон бўлди. "Келажак муҳандислари" халқаро фестивали доирасида юзлаб лойиҳалар, минглаб иштирокчилар ва ишлов йўналишлар бир жойда жамланди. Ёш, ташаббускор ҳамда ишқдор муҳандислар инновацион ишланмалари ва ҳояларини кенг жамоатчиликка намойиш этди.

Фестиваль

Тадбир доирасида авиация, робототехника, машинасозлик, агротехнологиялар, чип дизайн, архитектура, тиббиёт муҳандислиги ва бошқа йўналишларда ўнлаб мусобақалар ташкил қилинди. Ҳар бир йўналишда иштирокчилар ўз билим ҳамда кўникмаларини амалда намоён этиб, реал муаммоларга инновацион ечимлар тақдир қилди.

Мусобақалар жараёни қизгин ва муросасиз кечди. Иштирокчилар ўртасида соғлом рақобат шаклланиб, ҳар бир лойиҳа юқори даражада тайёргарлик билан тақдим этилди. Айниқса, дрон технологиялари, роботлар жанги, энергия самарадор авто-мобиллар ҳамда сунъий интеллект ассосидаги ишланмалар томошабинлар ва экспертларда катта қизиқиш уйғотди.



Яқунда барча йўналишлар бўйича энг кучли жамоа ҳамда иштирокчилар аниқланди. Ҳар бир пул мукороти, қимматбахо совғалар ҳамда етакчи компанияларда амалиёт ўташ имкониятига эга бўлди. Хусусан, машинасозлик йўналишидаги "Янги авлод автомобили" мусобақаси фестивалнинг энг диққатга сазовор беллашуваридан бири бўлди. Унда 1-ўрин (75 млн. сўм) Тошкент Турин политехника университети, 2-ўрин (50 млн. сўм) Жаслар технопарки ва Нукус давлат техника университети, 3-ўрин (30 млн. сўм) Андижон давлат техника институти жамоасига насиб қилди.

Шу билан бирга, фестиваль давомида робототехника, архитектура муҳандислиги, кишлоқ ҳўжалиги йўналишлари, шунингдек, "ШХТнинг 100 нафар келажак инноватори" халқаро олимпиадаси ғолиблари ҳам аниқланди, муносиб рағбатланрилди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган "Келажак муҳандислари" халқаро фестивали ёшларнинг иқтидорини юзага чиқариш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда келажак технологияларини яратишга илҳомлантирувчи муҳим платформа сифатида ўз аҳамиятини яна бир бор намоён этди.

Дияра ЮСУПАЛIEВА, ЎзДЖТУ талабаси.

ЖИЛВАЛАНИШИДА ҲУЗУР, ҲАР ТОМЧИСИДА ОРЗУ МУЖАССАМ

...Кеча ҳам эрта тонгдан азим Тошкент кўчаларида ҳаракат жонланди, осойишта ва гўзал кечадан сўнг яна ҳаёт қайнаб бошлади. Бинобарин, Амир Темур хийбони, Мустақиллик майдони ва истироҳат боғларида қад ростлаган фавворалар атрофида одамлар дамолган ҳам кўп. Уларга назар ташласангиз, ҳаётдан мамнун ота-оналар фарзандлари билан сайр қилаётгани, димоғи чоғ ёшлару дийримида меҳмон бўлиб турган хорижликлар сув жилвалари фондида суратга тушаётганига гувоҳ бўласиз.

Маълумотларга кўра, шаҳар ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар томонидан фаввораларнинг техник ҳолати текширилиб, аҳоли учун қулай ва хатарсиз шароит яратилган. Шунингдек, атроф-муҳитни аслаб-авайлаш ҳамда жамоат тартибига риоя этиш бўйича ҳам тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

— Оиламиз билан ҳар сафар Тошкентга дам олишга келар эканмиз, албатта, кечқурунлари фавворалари

бўлган боғлару майдонларга боришнинг қанда қилмаймиз, — дейди бухорлик Дилором Назирова. — Уларни кўриб, ўзимизнинг бахридлимизни очилиши-ку бор гап, лекин набираларимнинг шодлигидан севиноманки, бунинг гаши бўлак, бунинг лаззати бошқа. Минг шукур, бугун юртимиз тинч, ҳар кунимиз осуда ва бахтиёрликларга бой. Илоҳим, гўзал ҳаётимизга кўз тегмасин.

Таъкидлаш жоизки, фавворалар шаҳарга кўрк берибгина қолмай, ҳавони намулаб, атроф-муҳитга салқинлик бағишлайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, улар шаҳар экологиясига ижобий таъсир кўрсатиб, аҳоли учун қулай муҳит яратди.

Яна бир жиҳат. Оқшом пайлари фавворалар янада ўзига хос жозибага эга бўлади. Турли чироқлар билан уйғунлашган сувлар ҳамюртларимиз ҳамда пойтахтимиз меҳмонларига чинакам байрамона шуқуҳ бағиш этади.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров. Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

Жорий йил 3 майдан бошлаб Тошкент — Хива — Тошкент йўналишидаги «Жалолитдин Мангуберди» юқори тезликдаги электропоезди қатнови йўлга қўйилмоқда.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 23 209 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Тахриратга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар. Газета тахрират компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 23.20 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6